

**Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят худудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун  
ХУДУДИЙ КЕЛИШУВ**

Сирдарё вилояти ҳокимлиги (бундан буён – “Ҳокимлик”), Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (бундан буён – “Касаба уюшмалари”) ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят худудий бошқармаси (бундан буён – “Иш берувчилар”) кейинги ўринларда “Тарафлар” деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб;

фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, мустақил Ўзбекистон манфаатлари устуворлигини эълон қилиб;

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун тузилган Бош келишувга мувофик;

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Концепциясини қўллаб қувватлаб;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қўйилган: иктиносидиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иктиносидий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий мулокот муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг хуқуқлари ва ижтимоий-иктисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш, аҳоли ҳаёт даражасини мутассил ошириб бориш,

жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш учун самарали ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи мазкур Ҳудудий келишувни туздилар (бундан буён “Келишув”) ва ўз зиммаларига қуидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

## **I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш**

Иқтисодиёт тармоқларида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга, товарлар ва хизматларнинг сифатли бозорини шакллантирган ҳолда рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

1. Иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига милий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

2. Иқтисодиётда хусусий мулк улушкини ошириш, соғлом рақобат мұхитини шакллантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёsat самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини бажариш бўйича келишилган чора-тадбирларни қабул қилиш.

4. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичига кўтариш, бунда саноатни самарали ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш учун иқтисодий ва ихтисослаштирилган зоналар, тармоқ кластерлари, кичик саноат зоналари, инновацион марказлар, технопарклар, ко-воркинг марказлари яратадиган имкониятлардан кенг фойдаланиш.

5. Аграр соҳага янги технология ва инновацияларни жорий этиш, шунингдек, қишлоқ хўжалигига меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этишни қўпайтириш,

қишлоқ хўжалигида илмий асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш.

6. “Рақамли иқтисодиёт”ни жадал ривожлантириш, фаолиятнинг барча соҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, жумладан соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига, иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқариш ва бошқариш тизимларини автоматлаштириш, ахборот тизимининг яхлитлиги ва барқарор фаолиятини таъминлаш.

## **II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳукуқий ҳимоясини таъминлаш**

Меъёрий ижодкорлик фаолиятини кенгайтириш ва ҳукуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳукуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қўйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

7. Вилоят миқёсида ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиша Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармасининг иштирокини таъминлаш.

8. Халқаро меҳнат ташкилотининг:

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса юз берганда меҳнат қилувчиларга товон тўлаш тўғрисидаги 17-сонли;

Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сонли;

Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сонли;

Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги 132-сонли (1970 йилда қайта кўриб чиқилган);

Оилавий мажбуриятлари билан меҳнат қилувчилар тўғрисидаги 156-сонли;

Касаначилик тўғрисидаги 177-сонли;

Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги 183-сонли;

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига кўмаклашувчи асослар тўғрисидаги 187-сонли конвенцияларини миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш имкониятларини ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиша Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Республика уч томонлама комиссиясига кўмаклашиш.

9. Қуидаги масалалар бўйича юқори турувчи органлар томонидан тегишли норматив-хуқуқий ва бошқа хужжат лойиҳлари тақдим қилинганда уларга доир таклифларни биргаликда ишлаб чиқиши:

бандликнинг ностандарт турларида банд ходимлар химоясини, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни, жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал этиш тартибини ва ҳоказоларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси мазмунига;

давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойилларини, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантиришни, давлат хизматига ишга ўтиш, хизматни ўташ ва хизматдан кетиш масалаларини, бу борадаги кафолатларни тартибга солувчи “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишга;

“истеъмол саватчаси” ва “тириклик учун зарур энг кам миқдор” тушунчаларини қонуний тартибга солиш бўйича қабул қилинадиган норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасига;

вилоятда ижтимоий тадбиркорлик йўналишини янада ривожлантиришга.

10. Меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини ошириш, шу жумладан, касаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш йўли билан.

11. Ижтимоий тармоқлардаги сахифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

12. Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (янги таҳрири), “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунларининг ижросини таъминлашда касаба уюшмаларининг барча корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда Ўзбекистон Савдо саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

13. Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш.

14. Маълум бир соҳада ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида иш берувчилар томонидан ўз вақтида, камида икки ой олдин вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатлашув ишларини амалга ошириш.

15. Вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 349-сонли “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган меъёр ва талабларга тўлиқ риоя этилишини таъминлаш.

16. Мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва уни олдини бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сонли Фармони билан ташкил этилган Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси ва вилоят ҳудудий комиссияси томонидан қабул қилинган тегишли дастур ва чора-тадбирларда белгиланган вазифаларни ҳамкорликда амалга оширилишини таъминлаш.

17. Вилоятдаги давлат бошқаруви органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ходимларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

ишдан ташқари вақтда, айниқса дам олиш ва байрам кунларида ходимларнинг асоссиз равишда меҳнатга жалб этилмаслигини таъминлаш;

қонунчиликда белгиланган иш вақти доирасида ходимларнинг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш;

ходимларни улар дам оладиган кунлари ишга жалб этиш Мехнат кодексида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда амалга ошириш ҳамда иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунларидағи ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланишини ёки ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қоплаш;

ходимларга меҳнат таътиллари ўз вақтида берилишини таъминлаш ва шу вақт давомида уларнинг саломатлигини тиклаш учун касаба уюшмалари ва иш берувчилар орқали амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш.

18. Вилоятдаги олий таълим муассалари ва малака ошириш бўйича таълим муассасаларида “Халқаро ва миллӣ мөхнат стандартлари” мавзусида ўқув-семинарларини ўтказиб бориш.

19. Фуқаролар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг хуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш.

20. Иш берувчиларни (корхона ва ташкилотлар раҳбарларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларини) “Мөхнат муносабатлари” бўйича малакаларини мунтазам ошириб боришларини таъминлаш.

21. Халқаро мөхнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг корхона ва ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

### **III. Мөхнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси**

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, вилоят аҳолисини ижтимоий қўллаб қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда Тарафлар қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

22. Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида мөхнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида мөхнат ҳақи улушкини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга, истеъмол секторида инфляция даражасини 10 фоиздан пастга туширишга доир чоралар кўриш.

23. Жамоа шартномалари орқали мөхнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

24. Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар мөхнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари орқали амалга ошириш.

25. Мөхнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни қонунчиликда белгиланган тартибда ва жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлаш.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айrim жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғрисидаги шартларни нобуджет ташкилотларининг жамоа шартномаларида назарда тутишни тавсия этиш.

27. Мулк шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айrim технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида Низом” талаблари тадбиқ қилинишини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ҚҚ, 9 ва 1/103-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талаблари тадбиқ қилинишини тавсия этиш.

28. Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартлариiga риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартағи 88-сонли “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан иш ҳақи иш берувчиларнинг айби билан ўз вақтида тўланмаганлиги учун уларнинг жавобгарлигини, шу жумладан моддий жавобгарлигини жамоа шартномаларида назарда тутиш.

#### **IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш**

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини

ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

30. Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва худудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айникса қишлоқ жойларида яратилишига, иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

31. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг ижтимоий мақбул даражасидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўtkазиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш.

32. Олий, касб-хунар таълими муассасалари битиравчилари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

33. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битиравчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида қўнимлилиги таъминланиши учун иш берувчилар масъулиятини ошириш ва рағбатлантириш механизmlарини жорий этиш.

34. Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг бекарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, касаба уюшмаларининг ҳамда иш берувчилар бирлашмаларининг вакиллари вилоят ва туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишига кўмаклашиш.

35. Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

36. Ишлаб чиқариш корхоналаридан малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли станокларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармогини кенгайтириш ва домий равишида ривожлантириб бориш.

37. Эркин иқтисодий зоналар худудида ташкил этилган корхоналарда яратиладиган янги иш ўринларининг 10 фоизини захира қилиб қўйиш орқали касаба уюшмалари ва туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмалари асосида ушбу иш ўринларига иш топишда қийналаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни талаб мавжуд бўлган фаолият йўналишлари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

## **V. Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси**

Мехнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

38. Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

39. Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссияси таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш;

40. Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш.

41. Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатларда ҳамда тармоқ ва худудий келишувлар, жамоа шартномаларидан кўзда тутилган, ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда текширишни амалда кенг қўллаш.

42. Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссиясининг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуидагиларга эътибор қаратиш:

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса заарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бор шахслар банд бўлган заарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун хужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши ҳамда тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмаслигини таъминлаш;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ходимларга қонун хужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши, ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриклар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш обьектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустакил эксперт сифатида иштирок этилиши;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва баҳтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиши ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш, ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларига улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

43. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари ва веб-сайтлар орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

44. Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда Республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.

45. Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазасига оид талаб ва меъёрларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

## **VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя**

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишга ҳар томонлама қўмаклашиш.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш.

48. Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврӯз”

ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш.

49. Жамоа шартномалари орқали кам таъминланган оиласарга, кўп болали оиласарга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равища моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

50. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмалари томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек “Саҳоват” ва “Мурувват” уйларига моддий кўмак чораларини қўллаш.

## **VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

51. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордик чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

52. Даволаниш ва дам олиш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва дам олиш уйлари, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш. Корхона, ташкилот ва муассасалар балансида бўлган спорт иншоотлари, стадионлар, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, соғломлаштириш муассасаларини иш берувчилар маблағлари ҳисобидан жорий ва капитал таъмиглаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш.

53. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, маҳсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўгаракларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

54. Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оиласар аъзолари, Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бор шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини касаба уюшмалари соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш.

55. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) санаторий соғломлаштириш муассасаларида, уларнинг фарзандларини болалар соғломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштириш ҳамда дам олишларини ташкил этишига қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш ва назорат қилиб бориш;

56. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишига қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.

57. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласалар фарзандларини соғломлаштирилишига доимий равища кўмаклашиш.

58. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ва “Сирдарё бўйлаб саёҳат қил!” дастурлари доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

### **VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар**

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

59. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”и бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишилаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-хунар таълими муассасалари талabalарида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш.

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукаммал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

60. Жамоа шартномаларида қуидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқук ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун teng ҳуқук ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

61. Жамоа шартномаларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

ҳомиладорлик ва туғиши таътиллари кунини узайтириш;

болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида кўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши ва сотиб олиниши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

## **IX. Ижтимоий мулокот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш**

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулокот фоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

62. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўскинлик қилинишига йўл қўймаслик.

63. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

64. Вилоятда касаба уюшмаларига жалб қилинмаган корхона ва ташкилотлар, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш

мақсадида касаба уюшмаси ташкилотини тузиш бўйича ҳамкорликдаги зарур тадбирларни амалга оширилишига кўмаклашиш.

65. Туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан тармоқ касаба уюшмалари туман (шаҳар) кенгашларига ўзларининг уставида белгиланган вазифаларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва ҳамкорликдаги фаолиятини қўллаб-қувватлашда амалий ёрдам бериб бориш.

66. Ягона музокара жараёнини тадбиқ қилиш мақсадида қўйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини март ойидан кечиктирмай тузишни;

жамоа шартномаларини бажариш якунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция)ларида тегишли йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

67. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қўйидагиларни тавсия этиш:

вилоят ва туман, шаҳар ҳокимликларининг мажлисларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқилаётганда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва тармоқ касаба уюшмалари туман (шаҳар) кенгашлари вакиллари таклиф этилишини;

вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ касаба уюшмалари туман (шаҳар) кенгашлари раҳбарлари ва масъул ходимларини корхона ва ташкилотлар ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳайъатлари мажлисларида иштирок этишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини;

вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Маъмурий кенгаш таркибига вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси вакиллари киритилишини.

68. Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларининг вилоят ва туман, шаҳар ҳокимликлари, вилоятдаги давлат бошқаруви органлари, корхона, ташкилот ва муасссалар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

69. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисоб варагига ходимларнинг иш хақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

## **Х. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги**

70. Мазкур келишув 2020-2022 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Сирдарё вилоятининг барча туман ва шаҳарлари ҳудудида амал қиласди.

71. Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришининг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

72. Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти ҳокимлиги вилоятдаги барча давлат бошқаруви органлари, корхона, ташкилот ва муасссалар ҳамда туман, шаҳар ҳокимликларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

73. Мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

74. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

75. Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-мехнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва якунларини мухокама қилиб бориш.

76. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш

ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

77. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссияси амалга оширади.

2020 йил «12 » июн да Гулистон шахрида тузилди.

Сирдарё вилояти ҳокимининг  
биринчи ўринбосари

А.Каримов



Сирдарё вилояти қасаба  
уюшмалари таниклотлари  
бирлашмаси Кенгаши раиси

Р.Турсунмурадов



Ўзбекистон Савдо-саноат  
палатаси Сирдарё вилоят худудий  
бошқармаси бошлиғи

М.Шербеков



# **ИЖТИМОЙ-МЕҲНАТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ВИЛОЯТ УЧ ТОМОНЛАМА КОМИССИЯСИ**

## **ҚАРОРИ**

2020 йил “ 16 ” март

№ 2

**Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят худудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун тузилган Худудий келишув тўғрисида**

Маълумки, 2019 йилнинг 6 декабряда Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонунда Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенцияларига мос равишда, касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва ваколатлари тўлиқ ўз аксини топган бўлиб, жумладан, Қонуннинг 47-50-моддаларида меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тамойиллари, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар ва уларнинг вазифалари белгилаб берилган бўлиб, касаба уюшмалари ва иш берувчилар худудий бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа манфаатдор давлат органларининг вакиллари иштирокида Худудий даражадаги доимий асосда фаолият кўрсатувчи ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар тузилиши назарда тутилган.

**Шунингдек, вилоят ҳокимининг 2019 йил 28 августдаги 222-сонли “Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссиясини тузиш тўғрисида”ги қарори билан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссияси тузилди ва таркиби тасдиқланди. Мазкур қарор билан вилоят уч томонлама комиссиясига томонлар ўртасида худудий келишув лойиҳасини ва уни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек уни бажариш жараёнини назорат қилиш белгиланди.**

Жорий йилнинг 31 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Бош келишув имзоланди.

Шу муносабат билан, Бош келишув ва Худудий келишувнинг муддатлари ва меъёрлари ўртасидаги ўзаро мувофиқликни таъминлаш мақсадида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссияси томонидан Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят худудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун тузиладиган Худудий келишувнинг лойиҳаси ишлаб

чиқилди ва белгиланган тартибда имзоланди. Мазкур Ҳудудий келишув Сирдарё вилояти бандлик бош бошқармасидан 2020 йил 13 марта 03-415/1-сон билан билдириш рўйхатидан ўтказилди.

**Юқоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссияси қарор қиласи:**

1. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Ҳудудий келишув ижро учун қабул қилинсин.

2. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Ҳудудий келишувнинг тадбирларини 2020 йилда бажаришда қуидаги йўналишлар бўйича фаолиятни кучайтириш мақсадга мувофиқ деб топилсин:

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан короновирус (COVID-19) пандемияси эълон қилинганлиги сабабли вилоят ҳудудида ушбу хавфли инфекцияни тарқалиб кетишининг олдини олиш бўйича Республика маҳсус комиссиясининг тегишли қарорларига асосан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

карантин даврида ходимларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш ҳамда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини амалга ошириш;

Ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари томонидан иш берувчиларга ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича мурожаатларини кўриб чиқишида, жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиб қоидалари ва бошқа локал ҳужжатлар ишлаб чиқишида, бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек ходимларнинг ўзи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этган шахсларнинг ишларини ташкил этишида амалий ёрдам қўрсатиш;

“Илм-маърифат ва ракамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш;

туман ва шаҳарларни комплекс ва жадал ривожлантириш;

шаҳарларда ва қишлоқ жойларида арzon уй-жой қуриш, йўл транспорт, мухандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш;

Эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ташкил этилган корхоналарда яратиладиган янги иш ўринлари ҳисобидан рўйхатдаги ходимларнинг 10 фоизини банд қилиб қўйиш орқали касаба уюшмалари ва Аҳоли бандлигига

кўмаклашиш марказларининг йўлланмалари асосида ушбу иш ўринларига иш топишда қийналаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ишга жойлаштириш;

хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналар, шунингдек пахта-тұқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларининг касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан масъулиятыни ошириш;

корхона ва ташкилотларда бахтсиз ходисалар, касб касалликларини камайтириш бўйича профилактик чораларни кучайтириш;

вилоят миқёсида ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иктисодий ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли мөъерий-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқишида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Савдо саноат палатаси вилоят худудий бошқармасининг иштирокини таъминлаш;

Халқаро Мехнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш.

**3.** Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Ҳудудий келишув бажарилиши устидан назоратни амалга оширилиши бўйича Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича вилоят уч томонлами комиссиясининг масъул ишчи гурӯхлари ўртасидаги вазифалар тақсимоти **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

**4.** Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиб бориш Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссияси зиммасига юклатилсин.

## **Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссиясининг ҳамраислари**

## Сирдарё вилояти ҳокимилиги Бандлик бosh бошқармаси



**М.Мухаммадиев**

# Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси



Р.Турсунмуродов

## Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят худудий бошкармаси



М. Шербеков

**Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Сирдарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Сирдарё вилоят худудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Худудий келишув бажарилиши устидан назоратни амалга оширилиши бўйича Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича вилоят уч томонлама комиссиясининг масъул ишчи гурухлари ўртасидаги вазифалар**

**ТАҚСИМОТИ**

<b>№</b>	<b>Худудий келишувдаги бобнинг номи</b>	<b>Масъул</b>
1.	I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш  Х. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги	Худудий келишувни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича гурух
2.	IX. Ижтимоий мулокот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш	Халқаро меҳнат нормаларини қўллашга кўмаклашиш учун маслаҳатлашувларни ўтказиш бўйича ишчи гурух
3.	II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш	Жамоа меҳнат низоларини ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш бўйича ишчи гурух
4.	V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси  VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш	Меҳнатни муҳофаза қилиш ва унинг хавфсизлиги бўйича ишчи гурух
5.	III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва ахолининг турмуш даражаси  IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, ахолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш  VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя  VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар	Бандлик, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича ишчи гурух